

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 261 (7. 350)

1990 йил 16 ноябрь, жума

Баҳоси 3 тийин.



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли ўртоқлар!
Халқимиз авалдан ўқитувчи мураббийларнинг олий ҳимматини, уларнинг гоёт инсоний ва масъулиятли меҳнатларини қадрлаб келган. Дунёда нуфузли касблар кўп, ammo улар оиласида ўқитувчилик касби алоҳида юксак мартабага эга. Айни замонада ўқитувчи касбига ниҳоятда катта талаблар қўйилди, чунки биз мураббий, муаллим қўлига фарзандларимиз тақдирини ишониб топширамыз.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг анжумани жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар бўлаётган бир вақтда ўт-

моқда. Бу ўзгаришлар айниқса, жамиятимизнинг навқирон вакилларига биринчи даражада эътибор берилишини ва шу билан бирга ўқитувчиларнинг юксак маърифатли, маданиятли ва маънавий жиҳатдан пок бўлишларини тақозо этади.

Юртимиз равнақи, халқимиз келажиги сизларнинг қўлингизда таҳсил қўраётган ва тарбия олаётганларнинг нечоғлик элсавар, ватанпарвар, байналмилалчи ва билимли бўлиб ўсишларига бағлиқдир.

Таълим-тарбияни биз умуман олганда кенг маънода тушушсакда, у ўзида аниқ масадаларни ҳам истезода этмоғи лозим. Шу маънода биз элимиз, юртимиз, заманимиз, муқаддас турпроғимиз қадрига етadиган, уни таовб қилadиган фарзандларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғи-

миз керак. Бунда Ўзбекистоннинг келажиги йўқ. Бунинг ҳаммаиш тушуниб олишимиз шарт. Унинг қадрай олувчи жамият ўқитувчи хурматию, мураббий иззатини жойига қўя билмоғи зарур. Мана шу вазифа барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Биз узоқ йиллар давомида муаллим ва мураббийларнинг ҳуқуқини, талаб-эhtiёжларини қондирмай, ҳатто кези келганда уларнинг қадриятларини камситиб инсофсизлик қилдик, қолаверса ўзимиз ва янги авлодлар учун муаммо устига муаммо ортирдик. Натигада онди аввал керагидан ҳам бир неча қарра кўпроқ маблаг эвазига бу муаммоларни ҳал этиш йўллари қидиришга тўғри келмоқда.

Биз ўзларини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар мураббийларни бундан буйи ҳам бошимизга қўтарамиз. Ва айни замонада, ўқитувчилар ҳам ўз номларига муносиб тарада — бутунги мафкуравий, маданий ва маърифий янгилашнинг етакчи даргалари бўлишлари зарур деб тушунамыз.


Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишга доир дастурида болаларни, оилани, халқ таълимининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масалалари алоҳида таъкидланган. Жумҳурият ички равнишда таълим-тарбия ва ўқув юртлири фаолиятини молиявий томондан мустаҳкамлаб бориши, педагог меҳнатини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб туриши, халқ маорифи учун керакли маблагларни биринчи галда акратиши ўзининг асосий мақсади деб билади.

Биз таълим-тарбия ишига барча меҳнат жамоларини, ота-оналарни, зиёлиларни яқиндан жалб қилган ҳолдагина жумҳуриятимиз маорифи истиқболини таъминлашимиз мумкин.

Таълим-тарбия соҳасида жаҳоннинг энг илгор тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда, айниқса, тарих синовларидан ўтган ота-боболаримизнинг миллий анъаналарини ўрганиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш йўлидаги меҳнатингизга баракка тилаймиз.

Сизларни, Ўзбекистон ўқитувчилари конференциясининг делегатларини ва сизлар орқали жумҳуриятимиз барча муаллим ва мураббийларини чин юракдан қўллашга руҳлат этгайсизлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти
И. КАРИМОВ.



© Шаҳримиздаги экскаватор заводи жамоаси ишлаб чиқараётган истеъмол буюмларига талаб йил сайини ортиб бормоқда.
СУРАТДА: ушбу корхонанинг пешкадан кўриб чиқарган Мустафо Абдуллаевнинг кўриб турибси. У корхонада истеъмол буюмларини қўллаб ишлаб чиқарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.
Т. Каримов сурати.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросида

14 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда жумҳуриятда аҳоли озиқ-овқат билан таъминлаш, қиш шароитида ишлашга тайёргарлик, маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбуриятларнинг қандай бажарилаётгани ва 1991 йил учун шартномалар тузиш билан боғлиқ ишларнинг аҳоли муҳофазат қилини.

Мажлисда иқтисодиётда мураккаб вазият вужудга келганлига қарамай, вилоят партия қўмиталари вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли ва таъминлашнинг, кузги-қишқи даврга нормал ишлашга тайёргарликни етарли даражада таъминлаш, шартнома интизомини сақлашда, корхоналар ва минтақалар ўртасида тартиб топан ҳўжалик алоқаларини сақлаб қўлишда меҳнат жамоларига зарур амалий ёрдам бериётганликларни хаволида билан таъкидлаб ўтди. Корхоналар ва минтақалар ўртасида вужудга келган ҳўжалик алоқаларни иқтисодиётнинг барқарорлаштириш билан 1991 йилда ҳар бир меҳнат жамоаси барқарор ишлаши учун мустаҳкам замин яратилиши зарур шартдир.

си қабул қилинган қарорда партия комитетларига вазиятни барқарорлаштириш учун қатъий чоралар қўришни тавсия этди. Бугунги кунда партия ташкилотларининг, барча даражалардаги раҳбар коммунистларнинг асосий кучлигайрати энг аввало аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлашга, халқ ҳўжалик комплексининг қиш шароитида нормал ишлашини йўлга қўйишга, бозорга ўтиш юзасидан биринчи галда тадбирларни амалга оширишга, шунингдек меҳнат натижаларини бажарилиши, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашни учун уларнинг маънавий ахборот воситаларини қўллаш лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзоларига, вилоят, шаҳар, район партия қўмиталарига ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда тегишли тармоқларнинг бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш, жойларда бу вазифаларни рўёққа чиқаришда бевосита қатнашиш, жумҳурият коммунистларнинг рўй бераётган воқеалар ва ўзгаришларни тўғри тушушининг таъминлаш вазифаси юклатилди.

Марказий Қўмита Бюроси Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва Марказий Қўмита II пленумининг топ-ширинга бинсон тайёрланган Ўзбекистон Компартиясининг «Сисий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий янгилашни, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастури лойиҳасини муҳофазат қилиш бўлиб ўтган муҳофазатни ҳисобга олиб, уни узиш-кесил ишлаб чиқиш ва жумҳурият матбуотида эълон қилиш вазифасини топширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси комиссиялари ва бўлимларига вилоят, шаҳар ва район партия қўмиталари, партия оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ҳаракат дастури лойиҳасини жумҳурият партия ташкилотларида кенг муҳофазат қилишни йўлга қўйиш таъкид этди.

Марказий Қўмита Бюроси Янгибод шаҳар партия қўмитасини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Марказий Қўмита бўлимлари зарур ташкилий масалаларни ҳал этишда Ангрэн ва Янгибод шаҳар партия қўмиталарига амалий ёрдам бериш вазифаси топширилди. Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг жумҳуриятда миллатлараро муносабатларни янада барқарорлаштиришга оид тадбирлари ҳам тасдиқланди.

Марказий Қўмита Бюроси

Тошкент шаҳар партия қўмитасида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитаси бюросининг кеча бўлиб ўтган мажлисида КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари асосида партия фаолиятини бошланғич партия фаолиятини таъминлашнинг ҳали уздадсан чиққани йўқ, 7-тансепар, «Сергели» мебел ишлаб чиқариш бирлашмаси, 8-мақтаб ва бошқа корхона ҳамда муассасаларнинг партия ташкилотлари ташкилий ва сисий ишларни бўлаштириб юборишган.

Пўхта назоратнинг йўқлиги, воқеаларнинг ривожланиши олдидан қўра билмаслик, лўғина шароитларда иш юртишининг қўнқимаси йўқлиги, партия ички ҳаётининг қўнқ қолган шаклда усуллари партиянинг интизомини мустаҳкамлашга, КПСС сафларини кенгайтиришга, бошланғич партия ташкилотларининг КПССнинг янги Устави бериб қўйган ҳуқуқларини амалга оширишга доир ишларни жиддий равнишда бўлаштириб юборди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, шаҳар партия қўмитасининг бюроси Сергели ноҳияси партия қўмитасининг маъмур масалаларга доир фаолиятини етарли эмас деб топди. Ноҳия партия ташкилотига партия фаоллари билан ишларни тақомиллаштиришнинг аниқ шакли ва усуллари тавсия этилди.

Бюро мажлисида шаҳар партия ташкилоти фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



© КЕЧА пойтахтимиздаги Форобий қабристонда атоқли совет кимёгар олим, Социалистик Меҳнат Қаҳрамини, академик Обид Солиқович Солиқов қабрига унинг ёдгорлигини ўрнатилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг ФАРМОНИ

Ўртоқ Эркин Самандаров Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Рансининг ўринбосари — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг раҳбари этиб;
Ўртоқ Қайим Жалилович Ҳаққулов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Рансининг ўринбосари — ёқилди саноати, энергетика, кимё, металлургия комплексининг раҳбари этиб;
Ўртоқ Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Рансининг ўринбосари — умумийиқтисодий комплекс раҳбари этиб;
Ўртоқ Тоҳир Яҳёевич Шарипов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Рансининг ўринбосари — ресурслар, моддий-техника таъминоти ва битимлар комплексининг раҳбари этиб тайинлансин.

Ширкат маҳсулотлари

ШАҲРИМИЗДАГИ қўллаб қорхоналар кейинги пайтда халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга интиқсодлаштирилмоқда. Шулардан бири Тошкент агрегат заводи. Бу ерда авваллари ҳам халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришган. Лекин у кам миқдорда ёни сифатсиз бўлиб ўз харажатларини ҳам қоплай олмайди даражада эди. Мана шундай вазиятда корхонада ўтган йилнинг май ойидан бошлаб «Лилия» ширкати фаолият қўрсата бошлади. Чиндан ҳам ширкат томонидан тайёрланган маҳсулотлар киши диққатини ўзига тортади. Ўн бир турдан иборат бу буюмлар бежирим ва харидорлигини билан ажралиб туради.

— Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш танг аҳволга тушиб қолган бир даврда ширкат корхонамиз учун жуда кўп самара бермоқда, — дейди директор ўринбосари Б. Пайзиев. — Бундан албатта, ҳаммамиз ҳам мамнунмиз. Марҳамат, маҳсулотларимизни ўзингиз ҳам кўришингиз мумкин.

Уларни кўздан кечирамиз: сочиқ қўритадиган қурилма, хамир қиришга мўъжалланган ускуна, тузламаларни ёпадиган турли машиналар, болалар самокати, учғилдиракли велосипед, телевизор остига қўядиган таглик, уй ва дала ҳовли навролилар — шу каби буюмларни яна санаб ўтишимиз мумкин.

— Шу ўғинида бир нарсани айтмоқчиман. — Биладизми, оғини бизин материал таъқиқлигини қийнамоқда. Ўзгина мисол, бу йил велосипедлар ишлаб чиқариш учун бюртмадиган трубапарнинг 88 фонзини олдик, холос. Қолгани турли сабаблар билан бизга етиб келмади. Шу таъқиқлиги туфайли ушбу турдаги маҳсулот ҳам мўъжалдан камроқ ишлаб чиқарилиди. Лекин шартнома эса ўз аслига турлибди. Шундай аниқ бил охирида мана шу кам ишлаб чиқаришдан маҳсулот учун ҳам биздан қоридирагилар жазима ундиришга ҳаракат қилишди.

Дарҳақиқат, шартномалар тузилгани билан улар тўла кучга эга бўлмаса бундай шартноманинг кимга кераги бор?

Корхоналарнинг ижара пудрати асосида ишларни ва уларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қила олишларига кенг йўл очиб беришни унутмаслик керак. Ана шундагина корхона учун бирмунча қўлайлик ва эркинлик яратилган бўлади.



БАРЧА ОЛҚИШ СЕНГА БЎЛСИН, «ПАХТАКОР»!

ИЛГАРИ рўзномамизда хабар бериб ўтганимиздек, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов «Пахтакор» футбол командаси билан унинг мураббийларини қабул қилган эди. Ана шу қабул маросими пайтида Ўзбекистонлик миллион-миллион кишилар — спорт муаллими пахтакорчиларнинг муваффақиятларини диққат билан кузатиб борганлик-

лари алоҳида таъкидланди. Чарм тўп усталаримизнинг ушбу галабаси одамларга тегишлик ва яхши кайфият бахш этмоқда. «Тошкент оқшом» рўзномасига келадиган кўндан-кўп мактубларда ҳам «Пахтакор» командасининг ҳозирги авлодини унинг аввалги шон-шўҳратини тиклашга умид билдирилди. Шунингдек бу мактубларда «Оқшом» мух-

лислари командани ана шундай галаба нападисига олиб келган унинг мураббийларидан тортиб то футбол майдонларида бутун маҳоратини ишга солиб тўп сурган спортчилар ҳақида, футболчилар ва иқтибозларнинг истаб ва табриқнома-ларини рўзномада ёритилиши ҳам илтимос қилинади. Ана шу илтимосларни инобатга олиб, бугун биз «Оқшом» рўзномасининг учин-

чи ва тўртинчи саҳифаларида «Пахтакор» командасининг олий лигага чиқиши муносабати билан тайёрланган ранг-баранг мақолаларни муҳлисларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз. ЎзТАГ мухбири Ф. Қўрбонбоев олган ушбу суратда эса «Пахтакор» футбол командасининг жумҳуриятимиз Президентини ҳузуридаги қабул вақти тасвирланган.

Бугунги кун нафаси
ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА
• Бугун Тошкентда жумҳурият ўқитувчиларининг анжумани ўз ишини бошлади.
• 14 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон шифокорларининг биринчи қўрултойи ўз ишини тугатилди.
• Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти «Ўзбекистон ССЖда халқ депутатларининг мақоми тўғрисида» Қонун қабул қилди.
• 15 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон турпроқушнос олимларининг биринчи қўрултойи очилди. Унда Москва, Киев, Минск, Кишинёв,

Душанбе, Ашқобод ва мамлакатнинг бошқа илмий марказларидан олимлар иштирок этмоқдалар.
МАМЛАКАТИМИЗДА
• 14 ноябрда ССЖИ Президенти М. С. Горбачев XXII Бутунжаҳон касба соҳалари анжуманининг қатнашчиларни билди учрашди.
• ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Италия раҳбариятининг тақлифига бинсон шу йил 18 ноябрда Италияга амалий таширф буюради.
• ССЖИ Президенти М. С. Горбачев «Аскар оналарнинг Қўмитаси тақлифларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди.
• Грузия Фанлар академияси металлургия илмгоҳининг директори, профессор, «Девра столи — овоз Грузия» бложининг вакили, Руставели Умумгурузия жамиятининг расми, 56 ёшли

Тенгиз Сигуэ Грузия жумҳурияти Вазирлар Кеңашининг янги Расми этиб тайинланди.
• Кеча РСФЖИ Компартияси Марказий Қўмитаси пленуми ўз ишини бошлади.
ХОРИЖДА
• Франция Тинч океанининг жанубий қисмида янги ядро синовини ўтказди.
• Италиянинг «Алигали» авиаконкомпаниясига қаршли тайёра йўловчилар ва экипаж аъзолари билан ҳалокатга учради.
• Япония ҳукумати биринчи бор ССЖИга беғариз моддий ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилди.

Обуна—91:

«ЧЕВАР»ДАГИ МУХЛИСЛАРИМИЗ

УНГАДАГИ суратда Сизга табассум билан боқиб турган, ўз дастгоҳи олдида «Оқшом» рўномасини қўлида ушлаб турган қиз оталигимиздаги қорхона — «Чевар» тикувчи ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўли гул тикувчиси Гулнора Маджидова бўлади.

«Тошкент оқшом» рўномаси бизнинг бирлашмасини учун айниқса қадридон бўлиб қолган, — дейди Г. Маджидова. — Нега дейсизми? Чунки, «Оқшом» рўномалари билан бизнинг бирлашмаси ўртасида ўрнатилган алоқа йилдан-йилга мустақамлашиб бормоқда. Рўнома «Чевар» бирлашмасини ўз оталигига олган. Шу билан биз ишчиларнинг қўнғочли кунларимиз, ҳал этилишини кутиб ётган муаммоларимиз биринчи бўлиб шу «Оқшом»да ёрилади. Чеварлар ҳақидаги давралар, уларнинг суратлари шу рўномада мунтазам ёриб борилаётганидан биз мамнунми...

Биз оталигимиздаги ушбу қорхонада бўлган пайтимизда Гулноранинг яна кўпгина ҳаммасабига дугоналари билан ҳам суҳбатлашдик. Улар ўзларининг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида, қорхона ҳаётида рўй бера-

ётган янгиликлар тўғрисида завқ-шавқ билан суҳбат беришди. Суҳбатимиз ўз-ўзидан «Оқшом» саҳифаларида эълон қилинган мақолаларга ҳам бориб тақалди. Чеварларга айниқса «Шанба оқшом»да кўш саҳифаси, «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», «Назокат», «Адабиёт ва санъат», «Одобнома», «Кулгичона» саҳифалари, бола тарбияси ва орасталикка бағишланган мақолалар манзур бўлаётган экан. Улар келгуси йилда ҳам рўнома саҳифаларида ана шу мавзулар мунтазам ўрин олишига истаб билдиришди.

Ҳа, «Чевар» бирлашмасида «Оқшом»нинг ҳам мушта-рийлари кўп. Буни биз келгуси йил учун рўнома ва ойномаларга обуна кетаётган айтиш кезлардан янада чуқур ҳис этиб туришимиз. Биз «Чевар»даги муштарийларимизнинг истаklarини инобатга оламиз, уларнинг рўномамизга кўрсатаётган садоқатларига жавобан чеварларни ранг-баранг ва қизиқарли мавзудаги мақолалар билан хушнуд этишга ҳаракат қиламиз.

С. БОБОВЕВ.



- Янгиликлар
- Воқеалар
- Шарҳлар

КИР ЮВИШ КУКУНИ

«УЗБИТХИМ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Ҳозир тайёрланаётган «Лотос», «Кристалл», «Био-С» кукунсувунлар қаторига «Тандем» кир ювиш кукуну ҳам қўшилди. Уни тайёрлаш усули «Химпроект» Бутуниттифок илмий-тадқиқот илмгоҳида ишлаб чиқилди. Тошкентлик кимёгарлар йил охиригача жумҳурият савдо тармоғига жами 28 минг тоннадан кўпроқ кукунсувун етказиб берадилар.

ЕЎҚИМИ ИШТАҲА ТИЛАМИЗ

«ЖУМҲУРИЯТ» пойтахтининг Чилвозор ноҳиясида шарқ таомларининг ихлосмандлари учун «Сам-ян» ресторани очилди. Бу ерда корейс миллий таомларидан тотиб кўриш, банкети ёни юбилей тантаналарини нишонлаш мумкин. Янги қорхона аҳолига хизмат кўрсатиши кенгайтириши, шунчаки намунали оғдатлашни жойини ташкил қилиши эмас, балки совет корейлари маданий марказининг бўлишини вужудга келтириши режалаштирмоқда.

ИЖАРАЧИЛАР ҚАДАМИ

«ТАШСТРОЙТРАНС» бирлашмаси 6-автокорхонасининг ижарачи жамоаси тўла мустақиллик сарфи яна бир қадам ташлади. Қизгин баҳс-мунозаралардан кейин ижарачилар бирлашма жамоат ташкилотларидан чиқарилган билдирди. Энди автокорхонанинг партия ташкилоти ноҳия партия комитети билан, қасаба уюшмаси ташкилоти эса қасаба уюшмаси вилот комитети билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Ижарачи-автомобилчилар ортита «бошқарув» филиалларидан ҳатлаб ўтиб, ички муаммоларини ҳал этишда мустақилликка эришилди. Бу ерда илгари бирлашма бошқарув ходимларига иш ҳақи сифатида тўлаб келинган натағина маблағ энди ўз эҳтиёбларини учун сарфланмоқда. Ижарачилар эндиликда автомобилларини ва тузатиш базасини сотиб олишни режалаштиришпти.

ТАБИАТНИ МУҲОАҶАЗА ҚИЛИШГА ЎРҒАНМОҚДАЛАР

«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ» ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳининг Қарши бўлимида «Эколог» дорифуқуви очилди. Ўнги ўқув дастури ички йилга мўлжалланган. Булажак мелиораторлар, ер тузувчилар, муҳандислар, бошқа касб мутахассислари дорифуқунини тутатгач, экология маълумоти ҳақида тўвоқнома оладилар. Бу ерда олдинга билимлар табиати муҳофазаси қилиш, улар бойликларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда уларга ёрдам беради.

Вилот ўқув юртиларидан экология таълимига катта эътибор бера бошладилар. Масалан, Хелим Олимжон номи Қарши педагогика илмгоҳида «Эколог» клуби ташкил этилди. Шу олий ўқув юртининг юқори курсларига ўқибатган барча ёшлар экологидан анча кенгайтирилган сабоқ олмоқдалар.

Қарши қишлоқ хўжалик, политехника ва кооператив техникумларида, педагогика билим юртида ҳам табиат ҳимоячиларининг клублари ташкил этилган. Бу клубларда йилга икки марта жонажон ўқувчи билан қишлоқ ҳақида билиб олиш, табиатни ҳимоя қилишининг ўткир муаммоларини ҳал этишда ҳам қатнашдилар.

«НУРОНИЙ» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТЕРМИЗ» шаҳрида «Нуроний» деб аталган яна бир чойхона очилди. Тошкентда «Устоз» ҳаққ сизга бериб беришмасан усталири бебаган били ўзининг жонбаси билан кишилар диққатини тортади. Девоқлар гулдор нақшлар, ганч ўймакорлиги билан безатилади. Ҳатто «Устоз» чойхона ширинликлар ўрнатилган.

Чойхона шаҳар умумий оғдатлашни идорасининг маблағи ҳисобидан қурилади. Ана шу идора чойхона ҳузурда миллий ширинликлар тайёрлаш цехини ташкил этди. Бу ерда иссиқ чой ва нон олиб, ширин-шкар мевалар билан тамадди қилиш мумкин. Улар ихтиёрига телевизор ва видеомагнитофон бериб қўйилган. Чойхона очилган кун Сурхондарёда Ат-Термизий таълимнинг 1200 йиллиги байрам қилиниши тўғрисида маҳаллий тележурналистлар суратта олган фильм намоиши этилди.

(ЎЗАТ).

Мулоҳазаларим

ОНЛАМИЗ аъзолари билан ҳаммамиз мана бир неча йилдирки, «Тошкент оқшом» рўномасига обуна бўлиб, уни севиб мутолаа қиламиз. Бизга айниқса, рўноманинг «Шанба оқшом»да, «Адабиёт ва санъат» саҳифалари, ахлоқ ва одоб мавзусидаги, «Турмуш чорраҳаларида» рукуни остидаги мақолалар, шунингдек, ҳозирда жумҳуриятимизнинг энг долзарб муаммолари ҳақидаги мақолалар, итисодий мавзудаги «Бошқарилган бозор итисодиёти бўсағасида» рукунидаги мақолалар манзур бўлмоқда.

Келаси йил учун ҳам биз қадридон газетамиз «Тошкент оқшом»га биринчилар қатори обуна бўлдик. Истагимиз келаси йил рўнома саҳифаларида сирли олам ҳақидаги, мўъжизакор кучлар тўғрисидаги қизиқ-қизиқ мақолалардан кўпроқ топ этсангиз. Яна жамиятимизнинг итисодий тараққиёти билан боғлиқ итисод ва ҳаёт мавзусидаги мақолалар ҳам бизни жуда қизиқтиради. Уйлайманки, бу мавзу ҳозирда ҳаммамиз ҳам қизиқтиради. Мана шундай ўқиниш мақолалар кўпроқ бўлса, аминманки, рўнома муштарийлари сония янада кўпаяди.

М. ЖУРАЕВ, муҳандис.

«О Қ Ш О М» МУШТАРИЙЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

БОР-ЙЎҒИ ЎН ТЎРТ КУН...

ҲА, «Оқшом» рўномасига 1991 йил учун обуна ишларини расмийлаштиришга ана шунча кун қолди! Дарҳақиқат, обуначиларга яна бир бор қўлай шароит яратилди: ойнома ва рўномаларга обуна муддатининг 1 декабрга қадар узайтирилгани улар учун айтиш мумкин бўлди. Муштарийлардан муҳарриратга келаётган кўпчилик мактубларда ана

шу нарса алоҳида таъкидланади. Демак, шундай экан, қолган кунлардан унумли фойдаланиб, ўзимиз севган наشرларга обуна расмийлаштириш учун шонилейлик, азиз дўстлар!

Шу кунларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва алоқа ходимларининг ишлари айниқса қизиб кетди. Улар бошқа наشرлар қатори «Оқшом» рўномасига ҳам

келгуси йил учун чекланмаган миқдорда обуна қабул қилмоқдалар. Унинг бир йиллик обуна баҳоси 17 сўм 40 тийин, ярим йилга 8 сўм 70 тийин, 3 ойга 4 сўм 35 тийин.

Оқшом гапни айтганда баъзилар шу пулни бирдангина тўлашга унчалик истинишмайди. Лекин шехримизнинг битаган бозорига бориб у-бу нарсани харид

қилсангиз, арзимаган нарсага ҳамменингиздан 40 — 50 сўм индамай чиқиб кетди. Борди-ю 17 сўм 40 тийин тўласангиз «Тошкент оқшом» рўномасини бир йил мобайнида Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз, сирдошингиз ва яқин маслаҳатгўйингиз бўлиб қолади. Ундан бири-бирини қизиқарли мақолалар дейсизми, севиниб ёзувчи ёки санъаткор билан учрашув дейсизми, «Кулгичона» саҳифасидаги ичанкуди ҳақида ва латафалар дейсизми, қуллас, ўзингизга маъқул ва манзур бўладиган мақолаларни албатта топиб чиқиб. Шундай экан, азиз мухлислар, обунага шонилганингиз маъқул.

ОВОРАГАРЧИЛИК

ФРУНЗЕ ноҳиясининг Муқимий кўчаси билан туташган Глазуров ва Балкиров кўчаларида итисодик қилувчи оилаларнинг кўпчилиги кейинги пайтда ўз яшаш жойида «Союзпечать» дўкони ва сартарошхона йўқлигидан тез-тез ҳарат қилмайдиган бўлиб қолди. Бунинг боиси бор, албатта. Иккала кўчадаги хона-

донларда бир неча минг аҳоли итисодик қилади. Уларнинг бу ерда тинч, фаровон турмуш кечирётганларига 20—30 йилдан ошди. Шу давр ичиде кўчалар кўркамлашиб, хонадонларга сув, газ ўтказиб берилди. Аммо бу — аҳолининг иккинчи соҳага бўлган эҳтиёжи бирдек қолдирилмади, деган фикрини

дайд оворагарчиликка йўл қўйилмоқда. Вақолани, Балкиров кўчасининг бошланғичида «Союзпечать» дўкони ва сартарошхона қурадиган жой бор. Бу жой эндиликда қаровсиз холда ётибди. Шу қаровсиз жой тартибга келтирилиб, «Союзпечать» дўкони ва сартарошхона учун ажратиб берилса айтиш мумкин бўларди.

Ф. СУЛТОНОВА, уй бекаси.

ҲАНУЗГАЧА ЭСКИ НОМ

МЕН шу йил май ойида Санъат саройига улдуз бобомиз Низомиддин Мир Алишер Навоий номи берилганини ва эндиликда бу маскан Алишер Навоий номи Санъат саройи деб юритилиши ҳақидаги хабарни ўқиган эдим. Турғиси, шаҳар ижрокўми ва Атамалар комиссиясининг бу хайрли ишларидан жуда ҳам севинган эдим.

Янгида Санъат саройига бордим. Не кўз билан кўрайки, бирор жойда Навоий исмига кўзим тушмади. Шаҳар маданият Бош бошқармаси ва мазкур саройдаги мутасаддилар Тошиқроқум қарорини нега амалга оширмайди?

Айтиш шу маданият Бош бошқармасидаги ўртоқларга яна бир эътирозим бор.

Ярим йилча аввал Киров номи истроҳот боғи Заҳрийдин Муҳаммад Бобур номи берилган эди. Бу боғ эшиклари тепасидаги кўрсаткичлар Бобур номи билан қайта ёзилди, аммо боғ ичига кирсангиз ҳамон Кировнинг ҳайкали турибди. Боғ қаровисиз аҳволда, ҳовуларини кўлмакка айланган, на фойзи бор, на таровати. Шундай ташландиқ жой тепасига Бобур деб эзиб қўйилиши аждодларни

камситиш эмасми? Эскидан қолган бир нақб бор: «Қарасан боғ бўлур, қарамасан — доғ!» Шаҳар маданият Бош бошқармаси ва Фрунзе ноҳия ижрокўмидаги ўртоқлар бу нақлни эшитмаганга ўхшайдилар.

Сунги сўз шаҳар аҳолисинга пасасангиз хизмати кўрсатиш ва трамвай-троллейбус бошқармаларидаги мутасаддиларга. Шаҳримиздаги жой номлари кейинги бир йил ичиде анча оройиш топди. Масалан: Киров боғи — Бобур номи истроҳот боғи, Ўзбекистон комсомол 40 йиллик боғи — Улугбек номи истроҳот боғи, Солнечный массиви — Аҳмад Юноқий мавзеси, Высоковольт массиви — Яланғоқ даҳаси, Исий массиви — Ҳумоюн мавзеси, Алгоритм массиви — Ал-Хоразмий мавзеси, Спутник массиви — Биродарлик даҳаси деб қайта ном олди. Бирок ўша томонларда қатновчи автобуслар, трамвай-троллейбуслар ҳайдовчилари ҳамон эски номини айтиб одамнинг гашига тегмоқдалар. Бундай ҳол қачонгача давом этади?

С. СУЛТОНОВА, шифокор.

ЛУҚМА СОЯБОНСИЗ БЕКАТЛАР

ТОШКЕНТГА келган меҳмон шаҳарининг Эски шаҳар қисмига борганида хангу-чанг бўлиб қолди. Бекатда тумонат одам, ён атроф шахсий машиналарга тўлиб кетган.

— Ичкилик машина бозорига келиб қолмадимми! — деди у ҳайратланиб.

— Йўғ, — ҳазил аралаш кўлд қимдир. — Усти ёпик бозорга келдингиз.

— Роданими! — меҳмон ўз кўзларига шонмади. — У ҳолда нега бу ер тирбанд, ахир бозор ичкарида бўлардики!

— Тўғри, — суҳбатдош меҳмонини тинчлаттирди. — Бозор ичкарида. Аммо ташаввиш ташқарида. Бекатин банд қилиб турган машиналар бозорга харид учун келган кишиларники. Анаву кишилар эса молнинг бозорига солгани келган эмас, аксинча йўлчиликлар. Улар на соябон, на ўриндиги йўқ бекатда автобус кутмишмоқда.

— Ҳайрият-ей, — меҳмоннинг кўнгли хотиржам тортиди. — Тошкентдек шаҳри азияда йўловчиларга муносабат шу бўлса бозор жойлардан дийдэ қилмасак ҳам бўлар эканда.

Ҳақ гап. Меҳмоннинг ҳақли эътирозлари кишини таажубга солади. Тошкентни биз шу пайтгача Шарқда машъал шаҳар сифатида билиб келамиз. Шаҳарда меҳмонларни кутиб олиб, кузатиш бўйича йўлга қўйилган ишлардан кўнгли тўлмаган одамнинг учрашиш қийин. Аммо оддий муаммоларини ҳал этишга бўлган сўст муносабат йиллар давомида узоқ яшовчанлигини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, соябонсиз бекатлар, автобусларнинг ўриндиқсиз тўхташ жойлари кўпчилигининг дилнинг хира қилляпти. Эски шаҳардаги усти ёпик бозорнинг қурлишига давлатнинг миллионлаб сўмлик маблағи сарфланди. Ҳозир ҳам бозорнинг иккинчи навбатини шунга тушириш учун куч-ғайрат сарфланмоқда. Аммо бозорнинг йилдан-йилга ҳеч қандай қўлайлиги йўқ бекат шунча қилинган ишларга ҳақ солиб турибди. Одамлар бозорга келиб-кетиб чоғларда тик оёқда автобус кутмишмоқда. Бозорга элтувчи йўлнинг икки

тарафидаги бекатда ҳам ҳар дом бундай манзарани кузатиш мумкин: кимдир толиққиндан белини ушлаган, бошқа бировнинг ўтиришга жой йўқлигидан кайфияти тушиб кетган.

Кўзининг ёнгирарчилик кунлари ҳам тез ўтиб бормоқда. Ҳадемай қилчичини яланғочлаб қиш фасли келади. Кўнлар совиб, кун бўйи ёққан қалин қордан йўловчилар қаерда жон сақлашларини билмай саросимага тушиб қоладилар. Наҳотки, ана шундай оғир пайтда одамларга автобус пойлаш осон кечмаслигини Октябрь ва Собир Раҳимов ноҳиялари мутасаддилари ўйлашмасе. Еки ҳеч қандай шароити йўқ бекатларда ягона тартибни жорий этиш уларни қизиқтирмайдими!

Шаҳримиздаги усти ёпик бозорнинг ёнидаги Калинин майдонига қарашли автобус тўхташ жойи ҳам шундай камчиликлардан ҳоли эмас. Бу ерда ва «Гулистон» ресторанининг ёнидаги бекатда йўловчиларнинг автобус пойлашларига ҳеч қандай шароит йўқ. Бозордаги бекатлар ёнида шахсий ва давлат машиналарини пулли сақлаш жойи бўлишига қарамай айрим кишилар тўғри келган жойда ўз транспортларини қолдириб кетишмоқда. Шаҳар давлат автомобил нозерати ходимлари эса бу ҳолини кўра, била туриб, кўрмасликка олшияпти. Натижада автобуслар тўхтаб ўтиш жойида эмас, аксинча йўлнинг ўртасида тўхтамоқда. Қизиқ, бу ҳол қачонгача давом этаринки! Шаҳримиздаги бекатларнинг эгалари борми, ўзи!

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: усти ёпик бозорга 59, 76-автобуслар орқали боруши йўлнинг икки томондаги бекатларда йўловчилар ҳамини шундай шароитда транспорт кутмади; Калинин майдони ва «Гулистон» ресторани бекатларидаги аҳвол шундай.

Д. Аҳмедов суратлари.



«Тошкент оқшом»га жавоб берадилар

«ХОТИРЖАМЛИК ТЎНИГА ЎРАЛГАНЛАР»

Қиш эшик қоқмоқда. Шаҳар хўжалиги ҳамма тароқларга ҳам уни кўнглида дағиқ ўтказишга шайми? «Тошкент оқшом»нинг шу йилнинг 16 сентябрь сониде эълон қилинган «Хотиржамлик тўнига ўралганлар» сарлавҳали танқидий мақоласида масаланинг ана шу томонлари атрофлича таҳлил этилиб берилганди. Мазкур рейд материални юзасидан муҳаррират Киров район ижроия кўмитасининг раиси А. Қосимовдан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Район ижроия кўмитаси мақолада келтирилган фактлар юзасидан текшириш ўтказди. Ҳақиқатан ҳам Юнусов даҳасининг 14-мавзенидаги 23-уйнинг ертўласига сув тўпланиб қолганлиги аниқланди. Канализация қувурининг чиқиндилар билан ифлосланганлиги туфайли шундай аҳвол рўй берган. Ер-тўлада профилактика ишлари ўтказилиб камчиликлар бартараф этилди. Ҳозирги кунда ертўла тоза, тўла дезинфекциядан чиқарилган».

Хат босилмаса ҳам...

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Муштарий Дилором Гуломованинг шу йил 29 августда муҳарриратга йўдлаган шикоят хатида Октябрь районидеги 317-музоҳона ва тозалаш устаналарини таъминловчи устанонинг хизматидан қониқмаётганини маълум қилган эди.

«Устaxonига «ОРСК» музконасининг моторини алмаштиришга учун 130 сўм тўладим, деб ёзган эди у ўз хатида. Аммо моторини алмаштиришга қилган меҳнатларини зое кетди. Уста гузатиб берганидан сўғ бир соат ҳам ишламади. Яна қайта устанонга мурожаат этишга мажбур бўлдим. Аммо ҳеч қандай натижа чиқмади. Икки ойдан бери шу аҳволда сарсон-саргардон бўлиб юрибман. Илтимо, менга ёрдам берсангизлар. Икки болам билан ёнинг жазирама иссиқ кулларида қийналяпман...»

Муштарий Дилором Гуломовага ёрдам бериш мақсадида шикоят хати Ўзбекистон ССЖ Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш вазирлигига жўнатишга эди. Янгида вазир ўринбосари Т. Аббосов хат орқали бизга қуйидагиларни маълум қилди.

© Геннадий Денисов. Мана, 12 йилдики у «Пахтакор» ҳимоя чизгининг энг кучли ўйинчиларидан бири. Авиация ҳалокатига учраган марҳум чаря тўп усталарининг билан ҳам тўп суришга улгурган ушбу футболчининг командадаги барча устоз ва ўйинчилар бениҳоя ҳурмат қилишади. Шунинг учун ҳам у бир неча йилдан бери капитанлик вазифасини бажариб,

жамоага саркорлик қилиб келмоқда. Биз зарур бўлганда ҳужумда ҳам дўстларига ёрдам берадиган, жарима тўллариининг устаси бўлган моҳир ҳимоячимиздан ушбу галаба мавсумида ўз командодошлари ва жамоа устозлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

ГАЛАБАГА БАРЧА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШДИ



Г. ДЕНИСОВ А. ЯНОВСКИЙ С. БОНДАРЕНКО Ф. МУҲАМЕДОВ И. ШАРИПОВ У. РҶЗИМОВ
 А. ЖАББОРОВ А. МИКЛЯЕВ А. ПЯТНИЦКИЙ М. ҚОСИМОВ Х. ОГАНЕСЯН И. ШКВИРИН
 Р. ГАЛИЕВ Н. ҲАСАНОВ В. КЛОЧКОВ Ф. НОВИКОВ В. БОРИСОВ А. ТОЛИБЖОНОВ

Александр ЯНОВСКИЙ. Утган мавсумда Саша катта футбол билан хайрлашмоқчи эди. Аммо биз командага ёрдам беришни илтимос қилдик. Тўғри, бу унинг энг кучли мавсуми бўлмади. Буначалик кўп тўп ўтказиб юборганлигида фақат унинг эмас, балки бутун команданинг айби бор. Чунотчи, биз ҳимоячилар ҳам кўп хатоларга йўл қўйдик, вақтида уни қўллаб-қувватлай олмадик. Бироқ 12 йил дарвозамизни қўриқлагани учун ҳам унга раҳматлар айтишимиз лозим. Мен Сашани ўн йил ичидаги энг яхши дарвозабонимиз деб ҳисоблайман. У дарвозани қўриқлаганида ўзимни жуда дадил ҳис қилардим. Шунча вақт бирга ўйнадик, машгулотларда қанча терлар тўқдик, буларнинг бари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Сергей БОНДАРЕНКО. Сергей командамизнинг энг тажрибали ўйинчиларидан биридир. Утган мавсумда у ҳам яшил майдонини тарк этиш ниятида эди, бироқ Федор Сергеевич командада қолишга кўндирди. Ҳа, олий лигага йўлланма олишимизда у ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Унинг ҳар бир ўйини ишонч билан ҳаракат қилиши, дадиллиги жамоанинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир қилди.

Фарҳод МУҲАМЕДОВ. Ҳимоядаги ўйинимизни кучайтириш мақсадида Фарҳодни командамизга таклиф этиш ҳақидаги фикрлар анча вақтдан бери билдирилди. У келиши билан ҳимоя чизгини анча мустаҳкамлади, бироқ жароҳат Фарҳодга ўз маҳоратини тўлалигича намойиш қилиш имконини бермади. Амнизики, у келажакда олий лигада муваффақиятли қатнашимиз учун бутун куч-маҳоратини аямлади.

Илҳом ШАРИПОВ. Самарқандлик бу футболчи 1987 йили ҳам командада бир оз ўйнаб, сўнг Совет Армияси сафларига чақирилган эди. Командага қайта келганда, унинг маҳорати кўз олдидан ўсиб бориб. Келажакда Илҳомнинг имкониятлари янада кўпроқ даражада намойиш бўлишидан умидворимиз. Унинг командандаги ўрнига нелганда эса ҳимоя ва ярим ҳимода маҳоратини текширгандик. Миржалол билан бир чизинда тўп сурганида айниқса ўйини кучайтиришни гувоҳи бўлдик. Ҳар ҳолда Илҳом ҳозирда кўпроқ ҳужумда ҳаракат қилганидан ҳимоячи вазифасини яхши удалайоти.

Улугбек РҶЗИМОВ. Ҳар мавсумда Улугбекни команда асосий таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаш учун имконият берилмоқда. 2—3 ўйини яхши ўтказгандан сўнг, балки кўнгли хотиржам бўладими, билмадим, бир оз бўшашиш ҳолати юз беради. Улугбекнинг ўйинида кўп камчиликлар мавжуд. Уларни тузатиш учун жуда кўп тер тўкиши лозим.

Анвар ЖАББОРОВ. Анвар ҳақида аниқдан бери «У ўзимизнинг ўзбекистонлик футболчи, командага асосий шунга мумкин», деган гаплар юрди. Бироқ, у «Помир» даллида жуда кўп вақт асосий таркибда майдонга тушмаганлигининг асорати сезилди. Бу унинг спорт формасига путур етказган қўринад. Мен ҳар ҳолда унинг барча қийинчиликларини ен-

гиб ўз характерини кўрсатишига ишонаман.

Андрей МИКЛЯЕВ. Менимча, Андрейнинг ўзи ҳам бу мавсумдаги ўйинидан кўнгли тўлмаган бўлса керак. Ўз қобилиятларини тўла намойиш қилиши учун унга нимадир етишмади. Ҳозир илмгоҳини тугатиш арафасида. Балки ушбу ташвишлар уни бирмунча чалғитгандир. Лекин мен бу йилнинг келажакига ишонаман. Муҳими, у барча қийинчиликларни энга оладиган қатъий характерга эга.



Андрей ПЯТНИЦКИЙ. Фикримча, бу мавсумда ўйинининг жуда оқилганини Андрейнинг ўзи ҳам ҳис этган бўлса керак. Жуда иқтидорли чарм тўп устаси. Андрей-сиз бир неча ўйин ўтказдик ва унинг майдонда йўқлиги аяққол сезилиб турди. Ҳар ҳолда Федор Сергеевичнинг келиши билан унинг ўйини кескин яхшиланди. Кўпинча Андрей доимо нималардандир норози. Ҳакамлар ва ўйинчилар билан талашиб-тортишади. Мен унинг майдонда беҳуда тортишуларга вақт кетказмаслигини истардим. Ушбу мавсумда команданинг галабасига сермахсул ўйини ва кўнгли тўпларининг дарвозага киритилишида ўзининг аниқ тўп узатишлари билан катта ҳисса қўшди.

Миржалол ҚОСИМОВ. Миржалолни команданинг барча ўйинчилари қаттиқ ҳурмат қилишади. Ўзбек футболининг кейинги йиллардаги энг иқтидорли ўйинчиси. Миржалол ҳам «Пахтакор»да, ҳам терма командада ҳар доим ўйинга тушишга тайёр, ўзини аямой тўп сурди. Шу сабабдан гоҳ боши оғриса, гоҳ кураги азоблайди, орада майда-чуйда жароҳатлар. Ўйинчилар ҳам ҳасоиллашди, сенинг шунчалик жароҳатларинг кўпки, худди «оқсоқол»нинг ўзисан-а дейишади. Мен унинг эришган ютуқлари билан қийонланмай доимо ўз устида ишлашни, маҳоратини янада оширишни истардим. Ва ҳар доим ҳозиргидай қаттар бўлишини тилайман.

Хорен ОГАНЕСЯН. Бу ёлғиз менинг фикрим эмас, кўпчилик қўллаб-қувватласа керак: Хоренинг командамизга келиши билан ярим ҳимоя чизини фақат биридан қийма эмас, балки олий лига командалари орасида ҳам жуда кучайиб кетди. Унинг буначалик кучли ўйин кўрсатишига кўпчилик ишонамади. «Қозонда бори чўмичга чиқад», деганларидан,

асосийсн унда катта маҳорат бор. Командамизга дастлаб келганида ортинча вазига эга эди. Лекин ўйинчилар унга ишондилар ва у ҳам ўз навбатида командодошларининг ишончини оқлади. Команданиз муваффақиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Игорь ШКВИРИН. Игорь ҳақида ушбу мавсумда мағбуот саҳифаларида жуда кўп илчи сўзлар айтилди. Фикримча, у бу мавсумда нимага қодир эканлигини тўла намойиш қилди. Тўғри, унинг май команда таркибига бирданги келиб қўшилди. Ўйинга тушиши биланқўз ўзини иқибой томондан кўрсатди. Болгариялик футболчилар билан ўтказилган дастлабки ўртоқлик учрашувидаёқ икки маротаба рақиблар дарвозасини нигоҳ қилди. Вячеслав асосан теалигини опирши устида ишлаши керак. Умуман, ишга ҳозиргдай ёндошса, келажакда албатта команданинг асосий таркибидан ўрин олади. Жуда кучли зарбага эга бўлгани ҳолда ушбу зарбадан кўпроқ фойдаланишни истардим.

Фёдор НОВИКОВ: Менимча, кўпчилик битта мавсумнинг ўзида Федор Сергеевич «Пахтакор»ни олий лигага олиб чиқишига ишонамади. У биринчи машгулотлардан бошлабқоқ олий лигага чиқишимиз лозимлигини кулонимизга қўя болади. Бутун диққат-эътиборни шунга қаратади. Муҳими, у нима қилиши кераклигини аниқ билади, узоқни кўзлаган ҳолда режалар тузади. Команда ўйинчилари эса унинг услубига мос эди. Новиков келгач, «Пахтакор» ўйинининг ўзгаргани дарҳол сезила бошлади. У барча эътиборни асосан ҳужумга қаратади. Ҳатто ҳимоячиларга ҳам ҳужумда қатнашини таклиф этди. Шунинг учун ҳам жуда кўп тўп киритдик. Тўғри, тўпларини ҳам кўп ўтказиб юбордик. Лекин бу ҳимоямизда тургун ўйинчиларнинг камлиги натижасидир.

Виктор БОРИСОВ. Бош устознинг биринчи ёрдамчиси. Яхши мутахассис. Мустақил равишда машгулотларни юқори савияда ўтказиши мумкин. Ўйинчилар билан яхши алоқа ўрната олади.

Асқар ТОЛИБЖОНОВ. Узоқ вақт ижтисойи тарбия илмгоҳининг футбол кафедрасида ишлаган. Биринчилик ўйинлари ва машгулотлар ўтказиш бўлимида мўҳим ишларни олиб бормоқда. Футболчилар ҳақида турли-туман ахборотларни йиғиб, уларни аниқли қилди. Чинарилган ҳулосалар ўтказилган ўйинларнинг таҳлилида ва ҳар бир футболчининг шу кундаги ҳолатини аниқлашда мўҳим роль ўйнайди.

Сўзмининг ҳулосаси сифатида шунинг айтишим мумкинки, келажакда гоҳ порлоқ «Пахтакор»нинг олий лигада ҳам зафар кўчишига ишонаман. Бунинг учун фақат ўйинчиларимиз аҳил бўлишса, бир ёқдан бош чиқаришса бас. Муҳими, команда асосий таркибинин сақлаб қолиш лозим.

«Пахтакор» командасининг олий лигага йўлланма олганлигига бағишланган материалларни «Тошкент оқшом» мухбири **Д. ИСРОИЛОВ** тайёрлади.

май команда таркибига бирданги келиб қўшилди. Ўйинга тушиши биланқўз ўзини иқибой томондан кўрсатди. Болгариялик футболчилар билан ўтказилган дастлабки ўртоқлик учрашувидаёқ икки маротаба рақиблар дарвозасини нигоҳ қилди. Вячеслав асосан теалигини опирши устида ишлаши керак. Умуман, ишга ҳозиргдай ёндошса, келажакда албатта команданинг асосий таркибидан ўрин олади. Жуда кучли зарбага эга бўлгани ҳолда ушбу зарбадан кўпроқ фойдаланишни истардим.

«Пахтакор» сафларида С. Турсунов, Қ. Тўраев, С. Андреев, В. Бунтов каби ёш, иқтидорли ўйинчилар етишиб чиқатганини, алоҳида таъкидламоқчи эдим. Улар ҳам ўз маҳоратларини опирши ботида тинмай тер тўқсалар, келажакда ўзбек футболининг ёрқин юлдузларига айланишлари мумкин. Турли сабабларга қўра номандани тарк этган М. Билолов, А. Абдураимов, М. Кабаевлар ҳам «Пахтакор» галабасига ўз ҳиссаларини қўшганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Энди икки оғиз сўз команда раҳбарлари ҳақида.

Фёдор НОВИКОВ: Менимча, кўпчилик битта мавсумнинг ўзида Федор Сергеевич «Пахтакор»ни олий лигага олиб чиқишига ишонамади. У биринчи машгулотлардан бошлабқоқ олий лигага чиқишимиз лозимлигини кулонимизга қўя болади. Бутун диққат-эътиборни шунга қаратади. Муҳими, у нима қилиши кераклигини аниқ билади, узоқни кўзлаган ҳолда режалар тузади. Команда ўйинчилари эса унинг услубига мос эди. Новиков келгач, «Пахтакор» ўйинининг ўзгаргани дарҳол сезила бошлади. У барча эътиборни асосан ҳужумга қаратади. Ҳатто ҳимоячиларга ҳам ҳужумда қатнашини таклиф этди. Шунинг учун ҳам жуда кўп тўп киритдик. Тўғри, тўпларини ҳам кўп ўтказиб юбордик. Лекин бу ҳимоямизда тургун ўйинчиларнинг камлиги натижасидир.

Виктор БОРИСОВ. Бош устознинг биринчи ёрдамчиси. Яхши мутахассис. Мустақил равишда машгулотларни юқори савияда ўтказиши мумкин. Ўйинчилар билан яхши алоқа ўрната олади.

Асқар ТОЛИБЖОНОВ. Узоқ вақт ижтисойи тарбия илмгоҳининг футбол кафедрасида ишлаган. Биринчилик ўйинлари ва машгулотлар ўтказиш бўлимида мўҳим ишларни олиб бормоқда. Футболчилар ҳақида турли-туман ахборотларни йиғиб, уларни аниқли қилди. Чинарилган ҳулосалар ўтказилган ўйинларнинг таҳлилида ва ҳар бир футболчининг шу кундаги ҳолатини аниқлашда мўҳим роль ўйнайди.

Сўзмининг ҳулосаси сифатида шунинг айтишим мумкинки, келажакда гоҳ порлоқ «Пахтакор»нинг олий лигада ҳам зафар кўчишига ишонаман. Бунинг учун фақат ўйинчиларимиз аҳил бўлишса, бир ёқдан бош чиқаришса бас. Муҳими, команда асосий таркибинин сақлаб қолиш лозим.

«Пахтакор» командасининг олий лигага йўлланма олганлигига бағишланган материалларни «Тошкент оқшом» мухбири **Д. ИСРОИЛОВ** тайёрлади.

ТИЖОРАТ ЖАББАРАРИ ВА ЭЪЛОМАР

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
 М. Қорнқубов номли Ўзбек давлат филармонияси
 В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА
 ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ

Камолиддин РАҲИМОВ КОНЦЕРТИ

Программани УТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.
 Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА
 25, 26, 27, 28 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
 ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН ЛКӨИ «ЕШЛАР УЙИ»
 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОСИ ҚҶМИТАСИ

«ПУШЕН» овоз ёзини студияси ҳамкорлигида
 АНЪАНАВИЙ

«КАМОЛОТ—90»

ЖУМҲУРИЯТ КҶРИК-ТАНЛОВИНИ УТКАЗАДИЛАР
 ЯНГИ ОВОЗ ВА ЯНГИ ИҚТИДОР СОҶИБЛАРИ
 НИНГ ЭНГ ЯНГИ ҚЎШИҚЛАРИНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ
 СИЗ ШУ ЕРДА ТИНГЛАЙСИЗ.

Сиз ўзингизга янги санъат юлдузини кашф этиб, ўз севгилингизга биринчи бўлиб янги қўшиқ ҳади этасиз.

Ва ниҳоят 10 ва 11 декабрь кунлари соат 16 ва 19.30 да сиз «КАМОЛОТ-90» кўрик-танлови ғолибларининг ҳисобот томошаларида иштирок этиб, санъат соҳибларининг яқдодлари билан қўқурроқ танишиш имкониятига эга бўласиз.

ҚЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ВУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
 Мурожат қилиш учун телефонлар: 45-93-63, 41-45-20.
 Чипталар соат 11 дан бошлаб сотилади.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
 В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИ
 22, 23, 24 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 да

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУҚОФТИНИНГ СОВРИНДОРИ, ЖУМҲУРИЯТДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН

«АЛЛА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Ансамблининг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Фаррух ЗОКИРОВ.
 Чипталар соат 11.00 дан сотилмоқда.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

АБОНЕМЕНТЛАР ВА КИТОБЛАР
 БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРИ ҲАР БИР
 ҚАБУЛ ПУНКТИДА:

- 17 ноябрда — Г. ХАГГАРДНИНГ «МОНТЕСУМА ҚИЗИ» китобига 200 тадан абонемент;
- 18 ноябрда — В. КЛОЧЕВСКИНИНГ «ТАРИХИЙ ПОРТРЕТЛАР» китобига — 250 тадан абонемент;
- 24 ноябрда М. НЕЗЕНИНГ «СПРУТ» китоби — 100 тадан абонемент;
- 25 ноябрда — «ҚУРЪА» китоби — 150 тадан абонемент берилади.

Г. ХАГГАРДНИНГ «МОНТЕСУМА ҚИЗИ» ва В. КЛОЧЕВСКИНИНГ «ТАРИХИЙ ПОРТРЕТЛАР» китобига абонементлар бир йўла 10 кг. макулатура топширилгандан кейин берилади ва унда кўрсатилган китобини бир йўла 20 кг. макулатура топширилгандан кейингина олиш ҳуқуқини қабул қилади.

М. НЕЗЕНИНГ «СПРУТ» ва «ҚУРЪА» китоблари бир йўла 20 кг. макулатура топширилгандан сўнг берилади.

Қабул пунктларида Ф. КҶПЕРНИНГ «ЖОСУС», ЧҶЛҶНИНГ «ЯНА ЯНГРАЙДИ СОЗИМ...», А. ДЮМАНИНГ «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (2-том), «ҚИРОЛИЧА МАР. ГО» ва «ҚУРЪА» китобларига абонементлар эркин сотилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефон — 48-04-93.
 ТОШКЕНТ ШАҶАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ХУЖАЛИК ҶИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРМАСИ

даволаш пардоз-андози, манзарали пардоз-андоз, даволаш уқалаш бўйича тиббий ҳамшираларни тайёрлайдиган.
 ПУЛЛИК КҶРСЛАРГА
 ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқини ниҳоясида тингловчиларга соғлиқни сақлаш соҳасидаги муассасаларда ишлаш ҳуқуқини кўрсатилган гувоҳнома берилади.

Пардоз-андоз курсларида ўқини муддати — 1 ой, уқалаш курсларида эса — 2 ой.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-18-01, 44-12-03.

А. Р. ВЕРУНИИ НОМЛИ
 ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА
 ИНСТИТУТИ
 ИНСТИТУТИНГ БАРЧА
 ФАКУЛЬТЕТЛАРИГА
 ТАЙЕРЛАЙДИГАН
 6 ойлик курсларга
 ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ
 ҚИЛАДИ
 Машгулотлар — 1990 йил
 1 декабрда бошланади.
 Қўйдаги манзала мурожаат қилинса: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 10-уй, 111-бино, 2-қават, 37-хона, соат 12 дан 17.00 гача.

ТЕАТР

НАВОИИ НОМИДАГИ
 ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
 КАТТА ТЕАТРИДА
 — 16/ХI да Спартак, 17/ХI да Севиля сартароши, 18/ХI да Чипполино (12.00), Тумарис (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ
 ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
 ДРАМА ТЕАТРИДА
 — 16/ХI да Хотинлар «гап»-дан чиққан хангома (17.00 да бошланади), 17/ХI да Мирзо Улугбек, 18/ХI да Хотинлар «гап»-дан чиққан хангома, 19/ХI да Келинлар қўзғолоқи.

МУҚИМИИ НОМИДАГИ
 ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСНАҶЛИ
 ТЕАТРИДА — 16/ХI да Муҳаббат навои, 17/ХI да Юсуф ва Зулайхо, 18/ХI да Камбир кетарини, 19/ХI да Паранжа сирлари.

АВРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ
 ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА
 — 16/ХI да Ўзаллар ва миршаблар, 17/ХI да Кўли ва қўшиқ кетаси, 18/ХI да Фарнонбийи арадади, 20/ХI да Зинфат.

КИНО

16 НОЯБРДА
 БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КАРАХТ-ЛИК» (катта зал, 17, 19, 21.00); «ТАРЗАН ТУЗОҚДА» (кичик зал, 18, 21.00).

Чайка — «ЕНГИЛМАС ОЕҶ» (17.00); «САМРААТ» (18.30, 21.00).
 Москва — «ҚОНХҶР ХУДОЖҶЛАР» (17, 19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СИМЛИДАГИ МУҶАВВАТ» 18.30, 21.00).
 ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТАНҶОЛИНКА МАҶКУМ ЭТИЛГАН» (куфт соатларда).

К. Ерматов номли — «СЕНБОР РОБИНЗОН» (тоқ соатларида).
 Восток — «МАФИЯ НИНДЗЯГА ҚАРШИ» (тоқ соатларда).

17, 18 НОЯБРДА
 БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

А. Навоий номидаги Санъат саройи — «КАРАХТ-ЛИК» (катта зал, 11, 13, 15, 17, 19, 21.00); «ТАРЗАН ТУЗОҚДА» (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).

Чайка — «ЕНГИЛМАС ОЕҶ» (11, 13, 15, 17.00); «САМРААТ» (18.30, 21.00).
 Москва — «ҚОНХҶР ХУДОЖҶЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СИМЛИДАГИ МУҶАВВАТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
 ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТАНҶОЛИНКА МАҶКУМ ЭТИЛГАН» (куфт соатларда).

К. Ерматов номли — «СЕНБОР РОБИНЗОН» (тоқ соатларда).
 Восток — «МАФИЯ НИНДЗЯГА ҚАРШИ» (тоқ соатларда).

Тошкент шаҳар иқроқўрми умумий оқиланиш Вош бошқармаси Киров ноҳияси ошхоналар трестининг директори Х. К. Каримов ва Вош бошқарма тафтишчиси Е. Миркаримовга оналари

Ойша
 ЖАЛИЛОВАНИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан таъзия наҳор қилади.

«Ташкультторг» жамоаси 1-омбор мудири
 Нигматулла
 МАҚСУЛЛАВИЧ
 МАҚСУЛОВНИНГ
 вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети иқроқи комитети жамоаси хусусий турар жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Е. Я. Михайленкога умр йўлдоши
 Ниналай Борисович
 КРАТАМИШЕВИНГ
 вафот эт